

«Тасдиқлайман»

РиОвАРИАТМ Наманган
филиали директори

А.К. Эшонов

"25" март 2022 йил

Республика ихтисослаштирилган онкология имлий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиалида даволанаётган беморларга 2022 йил апрель-декабрь ойлари учун кунлик санитария жихатдан сифатли тайёр пархез озиқ-овқат махсулотини таёрлаб бериш ишларини амалга ошириш учун кўзда тутилган ҳаражатлар тўғрисида

АУТСОРСИНГ МАЪЛУМОТНОМАСИ ТЕХНИК ШАРТЛАРИ

2022 йил 2,3,4-чорақлари учун

№	Амалга ошириши лозим бўлган ишлар номи	Ўлчов бирлиги	2022 йил 1 апрелдан 31 декабргача ойларда ўртача озиқ овқат порцияси	Аутсорсинг хизмати билан бирга нарх	Жаъми суммаси	Изоҳ
1	Нонушта, Тушлик, Кечки чой, Кечки овқат учун учун	Порсия	36400	25550	930200000	Ҳар куни беморлар сонига қараб талабнома асосида таёр пархез озиқ-овқат тайёрлаб ой охирида ҳисоб китоб килинади.

Соғлиқни сақлаш вазирлигини 1993 йил 22 март кундаги 122-сонли буйруғига асосан шифохона даволанаётган беморларга тайёрланадиган пархез таомларни тайёрлашдаги танлов иштирокчиларига қуйидаги талаблар қўйилади:

1. Шифохонада онкологик касалликлари билан касалланган беморлар бўлганлиги сабабли озиқ-овқат махсулортлари сифатли бўлиши ҳамда каллорияси 3000-3500 кл/каль оралигида бўлиши ҳисобга олинади. Озиқ-овқат махсулотлари тайёрлаш учун тузилган меню худудий хокимлик органлари томонидан белгиланган нархлари буйича ҳисоб-китоб килиниши шарт, ойлик меню намунасини тақдим қилишлиги, Менюлар Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган техноменю дастури орқали тузилган бўлишлиги шарт;
2. Танловда қатнашувчи корхона гувоҳномаси ва низомида озиқ-овқат махсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш ҳамда аутсорсинг хизмати буйича ошхона хизматини ташкил этиш алоҳида кўрсатилган бўлиши керак;
3. Малакали ходимлари бўлиши шарт. ошпазлар ҳақида (диплом, разряд, сертификат, тиббий кўригидан ўтганлиги, ташкилотда ишлаётганлиги тўғрисида буйруқдан кўчирма) маълумот.

4. 2021-2022 йил куз-қиш мавсуми захира режаси асосида озиқ-овқат захираси мавжудлиги тўғрисида тасдиқланган маълумотнома. (Масалан: картошка 12000 кг, сабзи 2000 кг, пиёз 2000 кг, гуруч 2500кг, карам 2000 кг ва бошқа махсулотлари). Хизмат кўрсатиш жараёнида жорий таъмирлаш ишларини амалга оширилиши буйича маълумотнома.
5. Хизмат кўрсатиш моддий техника базаси низом талаби даражасида етарли бўлишлиги тўғрисида маълумотномаси.
6. Худудий солиқ инспекциясидан тасдиқланган қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома. Жамиятнинг биржа маълумотлар баъзасида инсофсиз ижрочилар ягона рўйхатида эмаслиги тўғрисида маълумотнома;
7. Жамият томонидан муассаса ошхонасига инвестиция ҳисобида киритилиши мумкин бўлган маблағлари тўғрисида маълумотнома.

Озиқ-овқат ва ярим тайёр махсулот ишлаб чиқариши мавжудлиги ҳамда инвестиция киритиш ҳолатлари иштирокчига Ўзб.Рес.ВМнинг 2020 йил 10 январдаги 16 сонли қарори талаблари бажарилиши буйича устунлик ҳуқуқини беради. Танлов талабгори тақдим этилаётган маълумот ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Танловда иштирокчилар томонидан энг паст нарх тақдим қилинишида юқорида кўрсатиб ўтилган талабларнинг мавжудлиги инобатга олинади. Юқоридаги талаблар бажарилмаган тақдирда паст нархда хизмат кўрсатиш, иштирокчиларга ғолиб деб баҳолаш имкониятини бермайди. Конкурс иштирокчисини 1-10 гача булган балл қуйиб баҳоланади.

Юқори балл тўплаган давогар танлов ғолиби ҳисобланади.

Изох: Лозим топилганда комиссия иштирокчилари томонидан танлов иштирокчиларини молиявий ҳолатини ва иш фаолиятини ўрганиб чиқилади.

КУК раиси:

Б.Рахматуллаев

Бош ҳисобчи:

Б.Сайдалиев

Бош хамшира:

Г.Хамидулина